

Шарҳ: Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу халифалик вақтларида машҳур саҳобий Муғйра ибн Шўъба розияллоҳу анҳудан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоздан фориғ бўлиб, салом берганларидан кейин ўқийдиган дуолари ҳақида хабар беришни сўраганларида у киши шу ривоятда келтирилган маънодаги хатни ёзган эканлар.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор Зот йўқ. Унинг Ўзи ёлғиздир, шериги йўқдир. Мулк Уникидир. Ҳамд Уникидир. У ҳар бир нарсага қодирдир. Аллоҳим, Сен берган нарсани ман қилувчи йўқ. Сен ман қилган нарсани берувчи йўқ. Сендан бўлган иқобни қайтарувчи йўқ».

Кўпчилик кишилар ушбу набавий дуони ёдлаб олиб, ўқиб юрадилар. Билмаганлар уни ёдлаб олсалар, яхши бўлади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан